Emro Science and Education
Open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz

OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 2 No. 1 (2025) · “Raqamli iqtisodiyot sharoitida hududlarni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish va yuqori iqtisodiy o‘sish sur’atlarini ta’minl...

6. Gaspar V., Jaramillo L., & Wingender M. P. 2016. Tax Capacity and Growth: Is there a Tipping Point? International Monetary Fund.
7. Brun J.F., Diakite M. 2016. “Tax Potential and Tax Effort: An Empirical Estimation for Non-resource Tax Revenue and VAT’s Revenue”, Études et Documents,n 10, CERDI. https://halshs.archives-ouvertes.fr/halshs-01332053/document.
8. Langford B. and Ohlenburg T. 2016. “Tax revenue potential and eort - an empirical investigation”, Working Paper International Growth Centre, Version.
9. Шабашев, В.А., Маликайдаров, Т.Т. 2015. Понятие налогового потенциала региона и проблемы его развития. https://www.elibrary.ru/download/elibrary.
10. Власова Е.В. Налоговый потенциал как объективная экономическая категория // Век тор науки ТГУ. Сер. «Экономика и управление». 2012. № 1(8). С. 12-16.
11. Игонина Л.Л., Кусраева Д.Э. Налоговый потенциал региона: эффективность реализации и факторы роста: монография. Краснодар: «Атри». 2010.-С.164.
12. Рощупкина В.В. Логическая структура налогового потенциала региона //Региональная экономика: теория и практика. №2 (137). 2010.-С.43-48.
13. Миронов А.А. Налоговый потенциал, его роль и место в системе налоговых отношений // Экономические науки. 2011. № 1(74). С. 316-320.
14. Синельников-Мурылев С., Кадочников П., Идрисов Г. 2011. Налог на прибыль предприятий: анализ реформы 2001 г. и моделирование налогового потенциала регионов. https://elibrary.ru.
15. Islyamutdinov, S. I. 2007. Taxable capacity of a territory: Methodological aspects of formation and use:Dissertation.Nalogovyi potentsial territorii: Metodologicheskie aspect formirovaniya iispol’zovaniya: dis… kand. ekonom. Nauk. Samara.
16. Горшкова Н.В., Шаманин В.И 2016. Методические подходы к оценке налогового потенциала региона на примере волгоградской и ростовской областей https://elibrary.ru/download/elibrary_26471238_79705178.pdf.
17. Попова Г. 2014. Классификация формализованнқх методов оценка налогового потенциала. Экономический анализ: теория и практика. https://www.elibrary.ru.
18. Sobarzo H. Tax effort and tax potential of state governments in Mexico: A representative tax system // IMF Working Paper, 2004.

ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИНИ УНДИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Турабоев Камбарали Кодирович
ТДИУ Андижон факультети

Published: 24.05.2025

Cite this article: Турабоев Камбарали Кодирович (2025). Қўшилган қиймат солиғини ундириш механизмини такомиллаштириш. Emro Science and Education, 2(1). https://journal.emro.uz/public/maqola/354

© 2025 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

ассисент ўқитувчиси

Аннотация. Ушбу мақолада қўшилган қиймат солиғининг иқтисодий моҳияти, давлат бюджети даромадлари таркибидаги улуши, ундириш механизми таҳлил қилиниб, рақамли иқтисодиёт шароитида ундириш механизмини такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

Калит сўзлар: қўшилган қиймат солиғи, солиқ базаси, солиқ ставкаси, солиқ механизми, блокчейн технологиялари, давлат бюджети.

Солиқлар пайдо бўлганидан бошлаб, уларни жорий қилиш ва ривожлантириш билан мунтазам шуғулланиб келинган. Солиқлар ёрдамида иқтисодиёт тартибланади ҳамда давлат иқтисодий ва ижтимоий дастурларини дастурларини амалга оширилишига зами яратилади. Бунинг учун солиқлар самарали ишлаб ўз функцияларини тўла бажариши керак.

Қўшилган қиймат бу товар ва хизматлар бозор нархининг бир қисмидир, аниқроғи, товар ва хизматларнинг бозор нархидан, ушбу товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ёхуд ташкил этиш учун фойдаланилган моддий ресурслар ва номоддий активлар нархи айириб ташлангандан кейин қолган қисмидир. Шундай қилиб, қўйилган қиймат деганда ашёвий ресурслар харид баҳосига хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қўшилган, товар ва хизматларнинг бозорда сотилиш нархига кирган устама тушунилади. Қийматнинг қўшилиши корхонада юз бергани учун унга нисбатан ҳисобланган ҚҚСни бюджетга ўтказиб бериш мажбурияти корхона зиммасига тушади, аммо ҳақиқатда солиқ истеъмолчига ўтказилиб, у томонидан тўланади. Демак, қўшилган қиймат солиғи иқтисодий моҳияти жиҳатидан қўшилган қийматдан ҳисобланадиган, лекин истеъмолчидан ундириладиган ва баҳога таъсир этиш орқал аҳолининг турмуш даражасини шакллантирувчи билвосита солиқдир. Лекин қўшилган қиймат солиғини ундириш амалиёти ҳар доим ҳам унинг моҳиятига тўғри келавермайди.

ҚҚС давлат бюджети учун муҳим аҳамият касб этадиган солиқ тури ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикасида солиқ тушумларининг катта салмоғи мана шу солиқ турига тўғри келади.

1-жадвал


Давлат бюджет солиқ даромадлари тушуми таҳлили, млрд. сўм

	Кўрсаткичлар	**2018й.**	**2019 й.**	**2020 й.**	**2021 й.**	**2022 й.**	**2023 й.**
I	Жами тушумлар	77571,1	112165,4	132938,0	164799,4	201863,7	231721,3
	шу жумладан:						
1	Бевосита солиқлар	15656,2	31676,8	45206,9	58930,4	64447,1	73103,6
	фойда солиғи	3502,2	16360,6	28712,2	38363,3	37649,9	40778,9

2	Билвосита солиқлар	41280,4	46427,2	46428,4	56290,4	71390,2	83325,8
	ҚҚС	27876,5	33809,8	31177,4	38439,0	52189,4	57885,3
3	Ресурс ва мол-мулк солиқлари	12663,4	19680,7	21257,0	23036,4	23912,8	28079,5
	мол-мулк солиғи	2606,1	2360,2	1974,3	2457,3	4015,4	5097,7
	ер солиғи	1504,2	2313,2	2386,7	4082,8	5305,9	6890,1
II	Жами солиқ тушумлардаги улуши (%да)						
1	Бевосита солиқлар	20,2	28,2	34,0	35,8	31,9	31,5
	фойда солиғи	4,5	14,6	21,6	23,3	18,7	17,6
2	Билвосита солиқлар	53,2	41,4	34,9	34,2	35,4	36,0
	ҚҚС	35,9	30,1	23,5	23,3	25,9	25,0
3	Ресурс ва мол-мулк солиқлари	16,3	17,5	16,0	14,0	11,8	12,1
	мол-мулк солиғи	3,4	2,1	1,5	1,5	2,0	2,2
	ер солиғи	1,9	2,1	1,8	2,5	2,6	3,0

Манба: Иқтисодиёт ва Молия вазирлигининг маълумотлари асосида тайёрланган.

Қўшилган қиймат солиғи тўловчилар сони кескин ўсиш тенденциясига эга бўлиб, 2018 йилга нисбатан ҚҚС тўловчилар сони бараварга 27,1 бараварга ўсганлигини кузатиш мумкин (1-расм). Бироқ, ҚҚС тўловчилар сони ўсишига қарамасдан солиқ ставкасининг 20 фоиздан 12 фоизгача пасайтирилиши солиқ тушуми улушини камайишига олиб келган. Шуни таъкидлаш жоизки, ҚҚС бўйича 2023 йилда 6701 та тадбиркорлик субъектларига 21646,0 млрд. сўм миқдордаги маблағ ҚҚС манфий суммасининг қоплаб берилиши учун қайтарилган (ҚҚС тушумининг 27,2%ни ташкил қилган). Таққослаш учун, 2022 йилда солиқ тўловчиларга 1911,7 млрд. сўм қайтариб берилган бўлса, 2021 йилда қайтарилган солиқ суммаси 14417,0 млрд. сўмни ташкил этган.



1-расм., ҚҚС тўловчилар сони динамикаси, (Солиқ қўмитаси,2023)

Ҳозирда мамлакатимизда ҚҚС манфий тафовутини қоплаш (ортиқча тўловни қайтариш) қўйидагича тартибда амалга оширилади. Тадбиркор ҚҚСдаги салбий фарқ суммаси ўрнини қоплаш (қайтариш) тўғрисида ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига шахсий кабинети орқали белгиланган шаклдаги ариза билан мурожаат қилади. Солиқ органлари аризани кўриб чиқиш учун умумий тартибда камерал солиқ текширувларини ўтказади. Шундан сўнг салбий фарқ суммаси ўрнини қоплаш ҳақидаги хулоса тайёрланиб, ғазначиликка юборилади. Ғазначилик ҚҚСнинг ортиқча тўлов суммасини тадбиркорнинг банк ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5116 сонли фармони (18.07.2017 й.) соҳа ривожида янги даврни бошлаб берди. Фармонга биноан солиқ маъмурчилиги тизимида энг илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш устувор вазифа этиб белгиланган. Хусусан, мамлакатимизда ҚҚС механизмини рақамлаштириш борасида ишлар олиб борилиб, бугунги кунда ушбу солиқнинг ягона автоматлаштирилган тизими (ҚҚС тўловчилари реестри) ишлаб чиқилган. Ҳозирда ҚҚС манфий тафовут

суммаларини қоплаш “my.soliq.uz” портали орқали амалга оширилмоқда. ҚҚС тўловчилари электрон ҳужжат айланиш тизимидан фойдаланишга ўтган.

Солиқ кодексининг 15-моддасига кўра солиқ муносабатларида солиқ тўловчилар контрагентларни танлаш чоғида уларнинг солиқ органларида солиқ тўловчилар сифатида ҳисобга қўйилганлигини, контрагентнинг ишбилармонлик обрўсини, ишлаб чиқариш базаси ва ходимлари мавжудлигини, молиявий ҳолатини, битим бўйича мажбуриятларни бажариш қобилиятини текшириб, лозим даражада эҳтиёткорлик қилиши шартлиги, солиқ тўловчи томонидан унинг олдидаги ўз мажбуриятларини бажармаган шахслар билан тузилган битимлар бўйича қилинган харажатлар (кўрилган зарарлар), агар ушбу солиқ тўловчи битим тузаётганда лозим даражада эҳтиёткорлик қилмаган бўлса, солиқ солиш мақсадида тан олинмаслиги белгилаб қўйилган.

Лекин шубҳали операциялар амалга оширилиб бўлгандан кейин аниқланаётганлиги, қўшилган қиймат солиғини бюджетга тўлиқ ундирилишини имкониятини бермаяпти.

Яъни, ҚҚСни ундириш тизимининг ҳозирги ҳолатига кўра солиқ ҳисоб-китоблари белгиланган муддат ичида ҳисоблаб чиқилганлиги сабабли ҳисоб-китоблар ҳақиқий операциялардан (масалан, ҳисоб-китоб саналаридан) фарқ қилиши мумкин. Бундан ташқари, мавжуд тизим солиқ органлари учун ҚҚС тўловлари устидан мониторингни қийинлаштирмоқда. Натижада ҚҚС билан боғлиқ фирибгарликнинг ҳар хил турлари юзага келмоқда.

Хорижий мамлакатлар амалиётида блокчейн технологиялари давлат бошқарувини рақамлаштиришда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Хусусан, хорижий тажрибаларга эътибор қаратадиган бўлсак, бугунги кунда кўплаб давлатлар солиқ тизимида блокчейн технологияларидан фойдаланиш бўйича тажриба-синов амалиёти ўтказиб келинмоқда.

Солиқ тизимида блокчейн технологиясини қўллаш бўйича Европа давлатлари орасида Финландия ва Эстония етакчилардандир. Жумладан, Эстония ҳукумати бир неча йиллардан бери солиқ тизимида блокчейн технологиясини қўллаш бўйича тажрибалар ўтказиб келмоқда.

Бу технология солиқ тўловчиларга ўз шахсий кабинетларига кириш, солиққа оид тафсилотларни билиш, уларни ўзгартириш, интернет орқали онлайн тарзда солиқларни тўлаш, ортиқча тўланган ҚҚС суммаларини қисқа вақт ичида қайтариб олиш имкониятини беради. Солиқ органларига эса солиқларнинг ўз вақтида тўланишини онлайн назорат қилиш, солиқ тизими шаффофлигини

таъминлаш ва солиқ операцияларини реал вақт режимида кузатиш имкониятини беради.

Солиқ тизимига, жумладан, ҚҚС маъмурчилигига блокчейн технологиясини жорий этиш қўйидаги афзалликларга эга:

- ҚҚС механизмининг бехато ишлашини таъминлаш. “Ақлли шартнома”ларга (smart contract) асосланган битимлар шаффоф бўлиб, ҚҚС тизимида фирибгарлик ва хатоликлар хавфини камайтиради.

- Солиқ маъмурчилиги самарадорлигини ошириш. ҚҚС манфий тафовути суммаларини қайтариш жараёнини максимал даражада соддалаштириш, солиқ органлари юкини камайтириш, вақт ва ҳисоб-китоб сарфини тежаш имконини беради.

- Энг кичик солиқ операцияларини ҳам кузатиб бориш (товарнинг ишлаб чиқарувчидан то истеъмолчига етиб боргунча бўлган босқичларида ҚҚС мониторинги).

- Реал вақт режимида ҳеч қандай ўзгартиришларсиз ёзувларни сақлаш.

Солиқ маъмурчилиги тизимига блокчейн технологиясини жорий этиш ҳукуматнинг солиққа оид қонунларига ҳам туб ўзгаришларни киритишни талаб қилади. Шунингдек, интеллектуал мулк тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ўзгартириш ҳам лозим. Бироқ, блокчейн технологиясининг электрон ҳукумат фаолияти самарадорлигини ошириш, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш ва энг муҳими ҳуфёна иқтисодиётни қисқартиришдаги аҳамиятидан келиб чиқадиган бўлсак, қонун ҳужжатларини ўзгартириш билан боғлиқ мураккабликлар ўзини оқлашини таъкидлашимиз мумкин.

Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни кучайтириш мақсадида блокчейн технологиясини дастлаб солиқ маъмурчилигининг бир қисмига, хусусан ҚҚС механизмига тажриба сифатида қўллаб кўриш қўшилган қиймат солиғи ундиришда муҳим аҳамият касб этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2017 йил 18 июл ПФ-5116-сонли Фармони. WWW.Lex.uz

2. Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июл ПҚ-4389-сонли Қарори. https://lex.uz/

3. 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги Ф-60-сон Фармони. https://lex.uz/
4. Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июн ПФ-5468-сон фармони. https://lex.uz/
5. Романова И.Б. Налоговое Администрирование. – Уляновск, 2018.
6. Ногина О.А. Нологовый контроль: вопросы теориии. – СПб: Питер, 2002.
7. Абрамчик Л.Я. Налоговое администрирование в системе финансового контроля. // Финансовое право, 2005. – №6 – С.12.
8. Перонко И.А Налоговое администрирование //Налоговый вестник, 2000. – №10. – С.33
9. Ибрагимов Б. (2022) Солиқ маъмуриятчилиги ва унинг назарий-ҳуқуқий масалалари //Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar (Economics and Innovative Technologies) ilmiy elektron jurnali, 2022. – Б. 331.
10. Бабаев Ф. Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш масалалари хусусида https://maqola.reandpub.uz/category/konferensiya/
11. Абдуллаев Ж. Солиқ тизими муаммолар ва истиқболлар. https://www.norma.uz/ raznoe/soliq_tizimi_muammolar_va_istiqbollar

СОЦИАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ НАЛОГООБЛОЖЕНИЯ

Эшонов Муҳаммад Айюб Хошимжон угли
к.э.н., доц.
Андижанский государственный технический институт

Как известно, в ряде документов Республики Узбекистан признаются права и основные свободы лиц с инвалидностью. В частности, это право на жизнь, гражданство, правовую защиту, получение образования, охрану здоровья, труд наравне с другими, участие в политической, социальной и культурной жизни, проведение досуга, отдых, занятия спортом, обеспечение достойных условий жизни для себя и своей семьи, а также право на социальную помощь.

Гарантии реализации этих прав были закреплены на конституционном уровне через всенародное голосование, в ходе которого 30 апреля 2023 года населения Узбекистана поддержали обновлённую Конституцию, утвердив тем самым концепцию «Узбекистан - социальное государство».